

ТИББИЙ ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШДА ШАХСЛАРАРО МУЛОҚОТ КҮНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА ИЛҒОР ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ

Назаров А.И.

Бухоро давлат тиббиёт институти, Бухоро ш., Ўзбекистон

Ҳозирги шароитда бутун жаҳонда малакали педагог кадрларга бўлган талаблар ортиб бормоқда. Ёшларни умуминсоний ва миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш лаёқатига эга бўлган, фаннинг фундаментал асосларини пухта эгаллаган, педагогика ва психология фанларининг замонавий методлари билан чукур қуролланган, касбий тайёргарлиги юқори даражада бўлган ҳамда замонавий педагогик ва ахборот технологияларини яхши ўзлаштириб олган ижодкор педагог кадрларни давр талабига айланди [4]. Олий таълим олдига таълимнинг фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциясининг асосли механизмларини ишлаб чиқиш, уни амалиётга жорий этиш, ўқишини, мустақил билим олишни индивидуаллаштириш, масофавий таълим тизими технологияси ва воситаларини ишлаб чиқиш ҳамда ўзлаштириш, янги педагогик ҳамда ахборот технологиялари асосида модул тизимидан фойдаланган ҳолда талабаларнинг ўқишини жадаллаштириш каби долзарб вазифалар қўйилган [2].

Таълим тизими талабаларда касбий тайёргарликни шакллантириш ва уни ривожлантириш мазкур жараёнга нисбатан тизимли, комплекс ёндашувни тақозо этади. Ўқитувчининг чукур билим ва самарали фаолият юрита олиш маҳоратига эга бўлиши маълум фан асослари борасида унда етарли назарий ва амалий билимларнинг, таълим жараёнида замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан унумли фойдаланиш малакасининг нечоғлик шаклланганига боғлиқдир. Шунга кўра, таълим жараёнида янги педагогик ва ахборот технологияларини ўзлаштириш ва улардан унумли фойдаланиш фанни ўзлаштиришнинг самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қиласи [1, 3].

Олий педагогик таълим тизимида «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» дан келиб чиқадиган вазифалар, фан, техника ва технологик тараққиётнинг бугунги даражаси билан бўлажак ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлиги сифатини такомиллаштириш жараёни орасидаги мавжуд номувофиқликни бартараф этиш, замонавий ахборот технологияларининг амалиётга етарли жорий этилмаганлиги сабабли янада юқори долзарблик касб этмоқда [5].

Тиббиётнинг барчани қизиқтирувчи соҳаларидан бири бўлган руҳий касалликлар, наркология ва тиббий психология фанини ўқитища талабалар билимини ошириш, уларда тушунчаларни шакллантириш, мантиқий фикрлаш ва клиник мушоҳада юритишни янада мукаммаллаштиришда ўқитувчи-талаба ўртасидаги шахслараро мулоқотнинг шаклланиши ва замонавий педагогик технологияларнинг жорий этилиши фанни ўзлаштиришда юқори натижаларга эришишга олиб келади.

Шу сабабдан талабаларга психиатрия фанини ўқитиши жараёнини ташкил этиш, ўкув материалларини баён этишни такомиллаштириш тамойилларига маълум ўзгартеришлар киритиш зарур бўлади.

Муаммони ўрганилиш даражаси. Таълим жараёнига ахборот технологияларни жорий этиш, истиқболи ҳамда ривожланиш босқичлари ва унинг ўкув материалларини яратиш масалаларига тўхталиб бир қанча илмий изланишлар олиб борилган, бироқ тиббиётнинг клиник соҳаси бўлган психиатрия, наркология ва тиббий психология фанини ўқитища ахборот технологиялардан фойдаланиш масаласи бўйича аниқ илмий тадқиқот ўтказилмаган.

Тадқиқот обьекти. Бухоро давлат тиббиёт институтида 5-курс талабаларининг Психиатрия, наркология ва тиббий психология фанини ўзлаштириш даражасини баҳолаш, ўқитиши жараёни самарадорлигига таъсир этувчи омилларни аниқлаш.

Тадқиқот предмети. Психиатрия, наркология ва тиббий психология фанини ўқитишида янги инновацион ахборот технологияларни жорий этиш.

Тадқиқотнинг мақсади. Психиатрия, наркология ва тиббий психология дарсларида ахборот технологиялардан фойдаланиш асосида ўқитиши методикасини ишлаб чиқиш ва талабани фанни ўзлаштириш даражасини ошириш.

Тадқиқотнинг вазифалари. Олий таълим муассасасида психиатрия, наркология ва тиббий психология фанини ўқитишининг долбзарб муамоларини таҳлил қилиш;

- талабаларда Психиатрия, наркология ва тиббий психология бўйича билимларини шаклантиришида ахборот технологияларини тутган ўрнини аниқлаш;
- психиатрия, наркология ва тиббий психология дарсларида ахборот технологияларини жорий этишнинг методик асослари ёритиб бериш.

Тадқиқот методлари:

- Давлат таълим стандартлари, малака талабларига мос равища ўқув режага асосан ўқув дастури мавзуларини ўрганиб чиқиш ва педагогик жараёни кузатиш;
- фанни ўқитишида янги педагогик технологияларни жорий қилишни натижасини амалда баҳолаб бориш ва уни мониторингини ташкил этиш.

Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили. Фан ва техника жадал суръатлар билан ривожланаётган бугунги кунда кўплаб илмий билимлар, тушунча, тасаввурлар ҳамда ахборотлар ҳажми кескин ортиб бормоқда. Фан ва техниканинг янги бўлимлари ва соҳаларининг шаклланишини, фанлар орасида интеграция жараёнини жадаллаштириши талаб этади. Таълим йўналишлари бундай дифференциалашиш ва интеграция жараёнларининг ўқитишида ўз аксини

етарли даражада топа олмаётгани ҳам бугунги олий таълим тизимида маълум муаммоларни келтириб чиқармоқда. Хусусан, таълим мазмуни ва тўпланган бой илмий ахборотларнинг унда акс этиши орасида узилиш вужудга келмоқда. Тиббиёт соҳаси ҳам бир-бирига мунтазам равишда боғлик бўлган фанлардан иборат бўлиб, бу фанни ўзлаштиришда қўйи курсларда олган билимларин бирмабир эслаш мақсадга мувофиқ бўлади. Шу сабабдан ўқитишни ва ўкув материалларини баён этишни такомиллаштириш тамойилларини қайта қараб чиқиши зарур деб ҳисоблаб муаммони бартараф этишда замонавий педагогик ва ахборот технологияларини жорий этиш, улардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Замонавий таълим тизими шахсга йўналтирилган характерга эга бўлиши, яъни шахснинг ҳар хил хусусияти ва сифатига эътибор қилган ҳолда дифференциалланган бўлиши зарур.

Замонавий педагог кадрлар янги статусга эга бўлиб, унинг вазифаси энг аввало талабаларнинг мустақил билим олиш фаолиятини ташкил этишга, билимларни мустақил эгаллашга ва уларни амалиётда қўллаш малакаларини шакллантиришга қаратилмоғи лозим. Ушбу мақсадларни амалга ошириш жараёнида ўқитувчи ўқитишнинг методлари, технологияларини шундай танлаши керакки, улар талабаларга тайёр билимларни ўзлаштиришигагина ёрдам бериб қолмасдан, айни пайтда, уларда билимларни турли манбалардан мустақил равиша топиб ўзлаштириш, шахсий нуқтаи назарнинг шаклланиши, уни асослаши, эришилган билимлардан янги билимлар олишида фойдаланиш малакаларига эга бўлишларига ҳам восита бўлиши лозим.

Ҳозирга пайтдаги ўкув машғулотларининг ташкил этилиши талабадан кундалик фанлар мажмуаси билан ҳам, улар бўйича бериладиган топшириқлар мажмуаси билан ҳисоблашишни талаб қиласди. Ўқитиш назариясида замонавий педагогик ва ахборот технологияларини бир-биридан ажратиш мумкин эмас. Замонавий ахборот технологиялари воситаларидан фойдаланиш муаммосини тахлил қиласдиган бўлсак, психиатрия фанини мавзууларига оид ҳар доим ҳам

бемор йўқлигини инобатга олиб, амалиёт дарсларида талабаларга безовта, бетоқат, гапга қулоқ солмайдиган, қўпол, қўрс, жанжал кўтарувчи, касаллигига танқидий муносабати йўқ bemорларни намойиш этиш бироз қийинчиликларга ва муаммоларга сабаб бўлиши мумкин. Шу сабабли bemорларни бундай ҳолатларини мультимедия ва видеоматериаллардан фойдаланиб талабаларга намойиш этиш bemорларни ҳолатини тасвирланишини талабаларга тушунириб бориши анча осон ва қулай. Мультимедиа воситалари асосида психиатрия фанини ўқитиши жараёнида маъруза матнларини таҳрир қилиш, талабалар топширган назорат натижаларининг таҳлили асосида маъруза матнларини баён қилиш услугини яхшилаш, ўқувчи-талабалар ахборот технологияларини мультимедиа воситалари асосида анимация элементларини дарс жараёнида кўриши, эшлиши ва мулоҳаза қилиш имкониятларига эга бўлди.

Кафедрада Психиатрия, наркология ва тиббий психология фанларини ўқитишида замонавий ахборот технологиялардан фойдаланиб, маъруза матнлари, амалиёт билан боғлиқ топшириқлар, услубий кўрсатмалар, назорат саволлари, ҳар бир мавзу бўйича динамик кўринишда акс этувчи жараёнларнинг анимациялар тайёрланиб талабаларни анъанавий ўқитищдан воз кечилиб янги инновацион ғоялар асосида ўқитилди. Шу билан бирга bemорлар билан олиб борилган сўровномаларнинг видеоматериаллари ҳамда мазуларга оид видеофильмларни намойиш қилиш тарзида дарсни ташкил қилиб талабаларни билим ва кўникмаларини шаклланиши янада мустаҳкамланди.

Дарсларнинг бу тарзда ўтилиши талабаларни диққатини янада кўпроқ жалб қилиб, уларда қизиқиш уйғотиб, маъруза материалларининг хотирасига узоқ вақт муҳрланишига олиб келди. Талабаларни сўров жараёнида айнан мультимедияларда, видеолавҳаларда кўрган ҳолат юзасидан касалликларни bemорлар томонидан баён қилишлари орқали клиник ҳолатга тезда тўғри диагноз кўйиши кузатилди. Шу билан бирга кўриш, эшлиш ва эмоционал

хотира мустаҳкамланди. Бу эса талабаларни клиник мушоҳада юритишига, тўғри ташҳислаш ва даволаш тактикасини тузишга катта ёрдам беради.

Хуноса. Психиатрия, наркология ва тиббий психология фанини ўқитиш ва ўзлаштиришда замонавий инновацион ахборот технологиялари яъни мультимедия воситалари ва видеофильм намойиши асосида ташкил қилиниши дарс жараёнида профессор-ўқитувчиларнинг иш фаолиятини анча осонлаштириб, ўкув жараёнини бошқаришда қулайликларга сабаб бўлади.

Дарс жараёни мантиқий фикр ва мулоҳазалардан иборат бўлиб, беморларнинг ҳар бир айтган сўзлари диагностикада муҳим аҳамият касб этиши, bemorlar bilan olib borilgan suxbatlarda aks etilgанини намойиши ва taҳnil қилиниши талабаларга иш фаолиятида ҳам ёрдам бериши исботланди. Психиатрия, наркология ва тиббий психология фанини ўқитиш ва ўзлаштиришда унинг самарадорлигини янада кўтаришга эришилди.

Талабаларнинг шахсий хусусиятларини, қобилияти ва имкониятини инобатга оловчи шахсга йўналтирилган ўқитиш жорий қилинганда, замонавий педагогик ва ахборот технологиялари мультимедия воситалари ҳамда видеофильмдан фойдаланиш талабани шахсини ривожлантиришда катта аҳамиятга эга. Бунда таълим жараёнига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш ва улардан фойдаланиш мақсадга эришишдаги энг самарали йўл ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар

- Ilxomovna, N. F. (2023). GROUP PLAY THERAPY AS A METHOD OF PRESERVATION MENTAL HEALTH OF THE CHILD. *IQRO JURNALI*, 2(1), 262-267.
- Ilxomovna, N. F. (2023). INCREASING THE EFFECTIVENESS OF EDUCATION AND THE ROLE OF INTERACTIVE MEDODES IN TEACHING THE SUBJECT OF BATANICS. *IQRO JURNALI*, 2(1), 268-272.

3. Baxriyevna, P. N., & Ilhomovna, N. F. (2023). EFFECTIVE METHODS FOR THE FORMATION OF COMMUNICATIVE CULTURE IN PRIMARY SCHOOL STUDENTS BASED ON AN INTEGRATIVE APPROACH. *IQRO JURNALI*, 2(1), 257-261.
4. Ilhomovich, N. A., Ilhomovna, N. F., & Ilhomovich, N. J. (2022). STUDYING THE FEATURES OF THE CLINIC POSTABSTINENT NEUROSIS-LIKE STATES WITH HEROIN ADDICTION. *Uzbek Scholar Journal*, 11, 165-169.
5. Nazarova, F. I. (2022). ABU ALI IBN SINONING SOG ‘LOM TURMUSH TARZINI SHAKILANIRISHI HAQIDA. *Scientific progress*, 3(1), 1137-1142.
6. Nazarova, F. (2022). Qaridoshlar orasidagi ofat. *Scientific progress*, 3(1), 663-669.
7. Nazarova, F., & Hudaikulova, N. (2019). Healthy generation-the basis of a healthy family. *Scientific Bulletin of Namangan State University*, 1(7), 69-73.
8. Nazarova, F. I. R. U. Z. A. (2021). The use of phenological observations in the determination of the main phases of the development of thin-fiber goose varieties in the conditions of bukhara region. *Theoretical & applied science Учредители: Теоретическая и прикладная наука*, (9), 523-526.
9. Ilhomovna, F. N. (2022). LATE SEIZURES AND CONSEQUENCES OF EPILEPSY IN YOUNG CHILDREN. *Conferencea*, 219-223.
10. NAZAROVA, F. (2022). Creation of fine-fiber cotton varieties in the conditions of the bukhara region. *International Journal of Philosophical Studies and Social Sciences*, 2(2), 50-54.
11. Ilhomovna, F. N. (2022). RESPONSIBILITY OF PARENTS BEFORE THE OFFSPRING. *Conferencea*, 441-446.
12. Nazarova, F. I. (2022). SOGLOM FARZAND OILA QUVONCHI. *Scientific progress*, 3(2), 1010-1015.
13. Назарова, Ф. И. (2022). БУХОРО ВИЛОЯТИ ШАРОИТИДА ИНГИЧКА ТОЛАЛИ ФЎЗА НАВЛАРИНИ ЯРАТИШ-ДАВР ТАЛАБИ. *BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIY JURNALI*, 2(2), 92-94.

- 14.Ilkhomovna, N. F. (2022). Negative Impact of Seizures on Quality of Life. *Miasto Przyszłości*, 24, 120-122.
- 15.Ilhomovna, N. F. (2022). DORIVOR O'SIMLIKLARNING O'ZBEKISTONDAGI AHAMIYATI. *BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIY JURNALI*, 507-512.
- 16.Ilhomovna, N. F. (2023). A Healthy Child is a Guarantee of Family Joy and a Country Prospect. *Scholastic: Journal of Natural and Medical Education*, 2(2), 127-131.
- 17.Ilhomovna, F. N. (2022). Let" Wolf Mouths" and" Hares" Not Be Born.... *Research Journal of Trauma and Disability Studies*, 1(12), 38-44.
- 18.Ilhomovna, N. F. (2022). BATANIKA FANINI O'QITISHDA TA'LIM SAMARADORLIGINI OSHIRISH VA INTERFAOL MEDODLARNI ROLI. *BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIY JURNALI*, 289-295.
- 19.Nazarov, A. I. (2022). ATROF-MUHITNING INSON SALOMATLIGIGA TA'SIRI. *Scientific progress*, 3(1), 881-885.
- 20.Назаров, А. И. (2022). АУТИЗМ КАСАЛЛИКИНИ ЭРТА АНИКЛАШДА ВА ДАВОЛАШДА ДАВО ЧОРАЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ДАВО САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ. *Scientific progress*, 3(1), 1143-1152.
- 21.Nazarov, A. (2021). Challenges to Uzbekistan's secure and stable political development in the context of globalization. *Journal on International Social Science*, 1(1), 26-31.
- 22.Назаров, А. И. (2022). COVID-19 БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БЕМОРЛАРНИНГ БОЛАЛАРНИНГ КЛИНИК ВА ЭПИДЕМИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ. *Scientific progress*, 3(2), 1026-1031.
- 23.Nazarov, A. I. (2022). Consequences of seizures and epilepsy in children. *Web of Scientist: International Scientific Research Journal*, 3(02), 483-489.

- 24.NAZAROV, A. (2022). TECHNOLOGY OF PREPARATION OF GLUE FROM CARPET FACTORY WASTE. *International Journal of Philosophical Studies and Social Sciences*, 2(2), 32-36.
- 25.Nazarov, A. (2018). The globalizing world: the conditions and prerequisites for political development through innovative politics and preventive democracy. *Theoretical & Applied Science*, (4), 9-12.
- 26.Ilhomovna, N. F. (2023). THE ROLE OF INFORMATION AND COMMUNICATION TECHNOLOGIES IN EDUCATION AND PROFESSIONAL TRAINING OF STUDENTS. *Open Access Repository*, 4(3), 680-686.
- 27.Ilxomovich, N. A. (2022). CLINICAL AND EPIDEMIOLOGICAL FEATURES OF COVID-19 DISEASE IN CHILDREN. *BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIY JURNALI*, 2(9), 182-186.
- 28.Nazarov, A. (2021). Healthy generation-the basis of a healthy family. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 9(11), 409-413.